

# ОЙ ТУПРОҒИ ЕРГА КЕЛТИРИЛМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




## СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН  
ЧИКА БОШЛАГАН

◆ 24 сентябрь 1970 йил, пайшанба

◆ 223 (14.689). ◆ Баҳоси 2 тийин.



## ТАСС АХБОРОТИ «ЛУНА-16» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИНГ КОСМИК РАКЕТАСИ ЕРГА ТУШИБ КЕЛМОҚДА

«Луна-16» автомат станциясининг космик ракетаси 1970 йил 21 сентябрда Ойдаги тулроқдан намуна олиб, Ойдан парвоз қилганини тўғрисида хабар берилган эди.

Космик ракета 22 сентябрь Москва вақти билан соат 10 да Ердан 306 минг километр масофада эди. Олис космик алоқа маркази ракета билан радио орқали махкам алоқа қилиб турибди. Навбатдаги сеансларда траектория ва телеметрия ўлчашлар бақарилади. Ракета бўлимларида босим ва температура белгиланган доирада сақланибди.

«Луна-16» автомат станциясининг космик ракетаси парвозини тамомлашига яқин қолди. 23 сентябрда Москва вақти билан соат 11 дан 60

минут ўтганда космик ракета Ердан 185 минг километр масофада эди.

Ракета билан радио орқали домий алоқа боғланган. Ракета ичидagi ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. Ракетанинг приборлар бўлимида ва қайтариб келтириладиган аппаратда босим симоб устунининг 760 миллиметрга тенг, ҳарорат Цельсий бўйича плюс 1 даража.

Траектория ўлчов маълумотлари қайтариб келтириладиган аппаратнинг Ер атмосферасига кириш нуқтасини ва унинг қўнадиган районини аниқлаб олишга имкон берди.

Қайтариб келтириладиган аппарат 24 сентябрда Москва вақти билан соат 8 дан 20 минут ўтганда Қозғоғистон ССР территориясига қўнади.

СОВЕТ ФАНИ ВА  
ТЕХНИКАСИНИНГ  
КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ  
◆ ◆  
КОСМИК АВТОМАТ СТАНЦИЯ  
ОЙ ТУПРОҒИ НАМУНАСИНИ  
ОЛИБ КЕЛМОҚДА  
◆ ◆  
ОЙДА ҚОЛДИРИЛГАН  
АППАРАТУРА  
ТАДҚИҚОТ  
ИШЛАРИНИ ДАВОМ  
ЭТТИРМОҚДА  
◆ ◆  
РАКЕТА ЕРГА  
ЯҚИНЛАШГАН ПАЙТДА  
ОЙ ТУПРОҒИ НАМУНАЛАРИ  
ЖОНЛАШГАН АППАРАТ  
УНДАН АЖРАТИБ  
КЮБОРИЛАДИ  
◆ ◆  
КОСМИК РАКЕТА  
БУГУН — 24 СЕНТЯБРДА  
ЕРГА ҚўНАДИ

## БУЮК МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ ОФАРИН

Бизнинг ажойиб, меҳнатқаш, илқдор олимларимиз яратган космик станция Ой билан учрашиб, яна эсон-омон ерга қараб йўл олганини эшитиб, қўнғил қолди! Бу — ҳурматли олимларимиз ва умуман совет фани ҳамда техникасининг исисиз ютуғидир.

Ватанимиз қўлга киритган бу муваффақиятга жавобан биз ҳам бепоян даладаримизда етишган «оқ олтин»ни ҳесоб-ҳисоб қилайлик. Бизнинг бу ютуғи, бу вақтида мамлакатимиз ҳазинасига қўшиш йўлида тер тўкиб меҳнат қилмоқдамиз.

Биз қайси касбада ишламайлик, ўзимизнинг ҳар бир ютуғимизни бахтли замонамизнинг илқдор жонажон партиясига бағишлаймиз.

Янгибой ОЧИЛОВ,  
Қорағ'и районидagi Киров номидаги колхознинг механик-ҳайдовчиси.

БИРИНЧИ  
ҚАДАМ

16» станциясининг парвози пайтида ана шу станция бақарган барча операциялар пайтида инсоннинг иштироки яққол сезилиб турди.

Станциянинг берилган программаларида ҳам, қўнғил-қўнғил бўлиб турибди, бир ойда бақариладиган электрон-хисоблаш машиналарининг мураккаб ҳисоблари ҳам, экспириментнинг барча босқичларидаги қўнғилнинг мукамаллигида ҳам инсоннинг ақл-заковати, астойдил дидлиги ўз ифодасини топади.

Биз космик техниканинг янги йўналиши яратилган бир вақтда лашмоқдамиз. Юлдузлар оламига инсон билан бир қаторда автоматик космонавт ҳам чиқмоқда.

Фақ қоноти тушуниш ва космик жисмларини ўзлаштиришни янги воситаларига эга бўлди.

ХИССАМИЗ

БОР

«Луна-16» автомат станциясининг парвозидан гўл мамнун бўлдик! Чунки бу мураккаб станцияни яратганда бизнинг ҳамкасбларимиз — ишчилар ҳам бевосита қатнашганлар. Мен ўзим қишлоқ ҳўжалиги машиналари учун деталлар тайёрлайман. Ленин дўғини қўйил қолдирилган автомат станциянинг яратилишида шахсан ўзимнинг ҳам ҳиссам бор, деб гуруру билан айта оламан. Чунки биз — совет ишчилари қандай вақтда ҳам бевосита қатнашганлар. Биз жойда масаланимиз битта, жонажон Ватанимиз ва совет халқининг бахт-саодати йўлида меҳнат қиламиз.

Сўзининг охирида моҳир конструкторларимиз, олимларимиз ва космик станцияни яратганда бевосита ҳисса қўшган ишчиларни яна бир марта чин қўнғилдан табриқлайман.

Мустақим ЮСУПОВ,  
Социалистик Меҳнат Қўрағ'и, «Ташселимаш» заводининг мастери.

ХИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ  
В. В. ГИРИ  
МОСКВАГА КЕЛДИ  
22 сентябрда СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати тақлифига биноан, Хиндистон президенти Варахагири Бенката Гир рафиқаси билан биргаликда расмий визит билан Москвага келди.

Хиндистон ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Вуюков аэродромда Хиндистон президенти В. В. Гир Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский ва бошқа ишчилар кутиб олишди.

И. В. ПОДГОРНИЙ ВА  
Д. С. ПОЛЯНСКИЙ  
ХИНДИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ПРЕЗИДЕНТИ В. В. ГИРИ  
БИЛАН УЧРАШДИ

23 сентябрда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский Хиндистон республикасининг президенти Варахагири Бенката Гир билан учрашди.

Самимий, дўстона вазиётда ўтган суҳбат вақтида Совет-Хиндистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, шуниқдек, ҳар пайкада томонни қизиқтирадиган бир қанча ақшад халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА  
ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТ  
БЕРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети марказий статистика бошқармасининг хабар беришча, республика саноат корхоналари коллективлари КПСС XXIV съездининг муносиб кўтиб олишга тайёрлаб махсус кўтиб олишга тайёрлаб келган бир қанча тулпарини ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик топиришни муддатидан олдин — 23 сентябрда бақардилар.

Сентябрь ойининг охиригача планга қўшимча равишда яна бир неча ўн миллион сўмлик махсус ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

## СУРЪАТГА ҚАНОТ

Қишлоқ ҳўжалигининг тараққиётида ишлаб чиқариш жараёналарини комплекс механизациялаштириш мўҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишларини тўла механизациялаштириш вазифасини қўйди.

Июль Пленуми қарорлари ишнинг мўҳим программаси бўлиб қолди. Биз ана шу программа асосида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқдик. Айниса пахтачиликдаги қўл кучи билан бақариладиган ишларни дадил механизациялаштириш бу тадбирларда ўз ифодасини топади.

Пахтачилик соҳасидаги юмушларини механизация воситаси билан бақаришга шу йилданқо жиддий эътибор берилди. Ишнинг терим мавсумида терим агрегатларидан самарали фойдаланимиз. 4600 тонна ўрнига 5 минг тонна пахтачилик механизмлар ердаида териб олишга қарор қилдик. Бунинг учун пландаги 2700 гектар ўрнига 3200 гектар майдонининг гўзасини машина теримига ажратган эдик. Қишлоқ ҳўжалиги өвациеси кучи билан 1500 гектар майдондаги гўза дефоляция қилинди. Умуман, совхозда 2000 гектардан ортиқ майдонда гўза бағри яхши тўктирилди. Ана шу пайкаларда машина терими бошлаб юборилди. М. Эшонқулов, М. Мавлонов, О. Мелиев, А. Ҳамдамоз ўртоқлар сингари механик-ҳайдовчилар кўнга букерлардан 3,5-4 тоннадан дурдона тўкмоқдалар.

Машиналар ердами туфайли совхозимизда терим суръати кўтарилди. Кўнга 2,5-3 процент иқдориде пахта тайёрлашга эришдик. Суръат бундан ҳам ошадди, 4,5-5 процент чиккиди. Бинобарин, терим машиналари пахтакорининг дўсти, қаноти, суянган тоғи бўлиб қолди. Шу босқидан ҳўжалигимизда терим машиналарига йил сайин эътибор ортди. Ҳар йили давлатдан қўнғил янги машиналар сотиб оламиз. Агар бундан 5 йил муқаддам совхозимизда 47 та машина бўлган бўлса ҳозир улар 80 тага етди.

Машина теримининг кент жойи этилиши пахтакорларнинг оғир меҳнатини енгиллатиш билан бирга, ҳўжаликка катта фойда

қилтирмоқда. Бултур пахтачилик машинада терим ҳисобига 150 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди. Бу эса ўз навбатида махсус таннарини арзонлаштириш имконини бермоқда. Совхозимиз коллективни В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллик юбилеи йилида пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик махсусотлари етиштириш ҳамда давлатга топшириш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилган. Бу йил 5200 гектар майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 15 минг 600 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганмиз. Янги пахта ҳосили ўтган йилдагига қараганда 1200 тонна кўпаяди.

Биз гўзани машина теримига мослаб ўстиришни дастлабки парварш даражиде бошладик. Бундай уштаклардаги гўзаларга азотли ўғитларни июлнинг ўрта-лариде бериб бўлидик. Қатор ора-ларини ўрт марта култивация қилинди, икки марта кетмон билан чопиб чиқилди. Пахтакорларимизнинг қалб қўри ва меҳр эфеби билан парвариланган гўзаларимиз калта бўғин, сарқосил бўлиб ўсди. Уштакларга тахтачалар қойиб, карталардаги пахтачиликлар теримини беравқт белгилеб қўйдик.

Машина теримининг суръат ва сифати агрегатларини эрта ва пухта ремонт қилиб қўйишга боғлиқ. Биз ҳар йилдаги бу сафар ҳам машиналар ремонтини беравқт бошладик. Машиналар совхозининг марказий уштаконасида ремонт қилинди. Ремонт ишларини олиб бориш учун уштаконалар етарли

эди. Мавқуд 68 та «ХТ-1,2» ва 12 та «Ўзбекистон» агрегати сифатли қилиб соғлаб қўйилди.

Терим агрегатларининг юқори унум билан ишлашини таъминлаш учун қўл шарт-шароити туғида келтирилди. Бизда, машина терими гурупа усулида олиб борилади. Ҳар бир гурупага агроном ва механик бошчилигида техник ердан кўрсатувчи кўча мослама бириктилади. Агрегатларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида эҳтиёт қисмларини қамлаб қўйдик.

Ўтган йили машина теримини бошқа ҳўжаликлардан олдинроқ бошлаганидик. Бунга самолёт билан дефоляция қилишни кўтиб турмасдан айрим карталарни «ОДН» аппарати билан дориланганимиз туфайли эришдик. Бу йил ҳам дефоляцияни гўзанин ҳолатига қараб ўтказамиз.

Механик-ҳайдовчиларимиз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Илгор механизаторлардан:

- Иньомжон ИГИТАЛИЕВ — 300 тонна,
- Ҳикматой МАМАЖОНОВА — 300 тонна,
- Самимжон ҒАНИЕВ — 300 тонна,
- Расулжон ШОХБИДИНОВ — 250 тонна,
- Сайдали МАДАЛИМОВ — 250 тонна,
- Ҳолиқназар ИМОННАЗАРОВ — 200 тонна,
- Шерали ТУСУНОВ — 180 тонна,
- Сотволди ЖУРАЕВ — 160 тонна,
- Ҳошимжон ҚОСИМОВ — 160 тонна,
- Алибой ҲАМДАМОВ — 140 тонна.

тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд паймон қилдилар.

Биз терим машиналарига суянган ҳолда пахта тайёрлаш планини 10 октябрда, социалистик мажбуриятини 6 ноябрь кўни бақарамиз. Терим агрегатларининг самарали ишлаши мавсумини қисқартириш билан бирга, пахтачи кўнда теришга нисбатан 250 минг сўмини иқтисод қилиш имконини беради.

Совхоз партия ва комсомол таъкилотлари, ишчилар комитети сиёсий-оммавий ишларини ҳар қанонгилдан ҳам қўнғилиб қўбодилар. 63 та дала шийпони қўнғилдагидек жихозлангилди. Иш-чирағи маданий-маърифий хизмат яхшиланди. Уларга ҳар кўни иссиқ оқват қилиб берилмоқда. 8 та бўлимининг ҳар бирде стационар киноустановка ишлаб турибди. Совхоз ҳамда мактабларининг бақий ҳаваскорлик тўғараклари коллективлари дала шийпонида тез-тез концертлар қўйиб бермоқдалар.

Теримда қатнашадиган 4 минг кишининг ҳаммаси социалистик мусобақа қатнашчиси. Улардан 1500 ишчи мавсумда 8-10-12 тоннадан пахта терим мажбуриятини олган. Оминхон Дехқонов, Солихон Бозоров, Оризон Улмасов, Одиназон Рўзиматовлар сингари қўнғилнинг килограммидан кўнга 180-200 килограммдан пахта териб, юбилей жўнанига берака қирмоқдалар. Совхоз партия комитети ҳисобидеги 500 дан ортиқ коммунистнинг 80 проценти бевосита пахта теряти. Шунингдек, 300 дан ортиқ ВЛКСМ аъзоси теримга сафар бериб этишди. Коммунист ва комсомоллар пахта теримида бошқаларга шахсий намуна кўрсататилар.

Лефиз ҳалол, аҳдига вафодор пахтакорларимиз план ва мажбуриятини шараф билан едо этиб, КПСС XXIV съезидега муносиб туҳфа тайёрлайдилар.

И. МЕЛИЕВ,  
Фарғона область Киров районидаги «Бешариқ» совхозининг директори.

Х. УСМОНОВ,  
совхоз партия комитетининг секретари.

А. РАҲИМОВ,  
бош агроном.

Х. МАМАЖОНОВА,  
механик-ҳайдовчи.

Иллик планини Автоном республикада биринчи бўлиб бақарди. 35 гектар майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» топширилди.

Қаҳрамон бошқик звено меҳнатсеварлари яна ҳар гектар ердан 18 центнердан ҳосил қўтариш учун астойдил курашмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

4.400.000  
ТОННА УЧУН

Республика областларда пахта қайтарилган ва дефоляция қилинган тўғрисида 1970 йил 23 сентябрда бўлган

| МАЪЛУМОТ<br>(Планга нисбатан процент ҳисобида). |                  |                         |           |                            |           |                         |                                   |                                   |                         |
|-------------------------------------------------|------------------|-------------------------|-----------|----------------------------|-----------|-------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-------------------------|
| Областлар                                       | Топирилган пахта |                         |           | Шу жумладан, машина терими |           |                         | Нефоляция қилинган пахта (гектар) |                                   |                         |
|                                                 | Ҳар кўнда        | Махсус бошқарилган бўли | Ҳар кўнда | Махсус бошқарилган бўли    | Ҳар кўнда | Махсус бошқарилган бўли | Нефоляция қилинган пахта (гектар) | Нефоляция қилинган пахта (гектар) | Планга нисбатан процент |
| Бухоро                                          | 3,49             | 71,55                   | 3,00      | 39,07                      | 122,568   | 111,2                   |                                   |                                   |                         |
| Қашқадарё                                       | 3,24             | 56,27                   | 3,14      | 35,24                      | 80,103    | 154,0                   |                                   |                                   |                         |
| Сурхондарё                                      | 2,58             | 33,42                   | 2,52      | 16,78                      | 85,223    | 94,7                    |                                   |                                   |                         |
| Қоразми                                         | 2,17             | 29,36                   | 0,93      | 4,09                       | 56,225    | 112,5                   |                                   |                                   |                         |
| ҚХ АССР                                         | 2,43             | 26,25                   | 1,74      | 5,22                       | 100,969   | 109,0                   |                                   |                                   |                         |
| Андижон                                         | 1,86             | 25,50                   | 0,50      | 2,14                       | 69,139    | 71,3                    |                                   |                                   |                         |
| Фарғона                                         | 1,97             | 25,43                   | 0,78      | 3,25                       | 65,923    | 56,8                    |                                   |                                   |                         |
| Тошкент                                         | 3,53             | 24,46                   | 3,24      | 18,77                      | 138,183   | 98,7                    |                                   |                                   |                         |
| Наманган                                        | 2,01             | 21,63                   | 0,78      | 4,55                       | 50,582    | 76,6                    |                                   |                                   |                         |
| Самарқанд                                       | 1,39             | 13,49                   | 0,27      | 0,77                       | 98,326    | 91,9                    |                                   |                                   |                         |
| Сирдарё                                         | 2,02             | 11,94                   | 2,11      | 9,60                       | 25,954    | 121,3                   |                                   |                                   |                         |
| РЕСПУБЛИКА<br>БҮЙИЧА:                           | 2,35             | 29,16                   | 1,74      | 11,29                      | 113,454   | 99,4                    |                                   |                                   |                         |
| Шу жумладан, илгична толали пахта:              |                  |                         |           |                            |           |                         |                                   |                                   |                         |
| Сурхондарё                                      |                  | 2,16                    |           | 39,48                      |           |                         |                                   |                                   |                         |
| Қашқадарё                                       |                  | 2,38                    |           | 39,45                      |           |                         |                                   |                                   |                         |
| Бухоро                                          |                  | 0,93                    |           | 15,83                      |           |                         |                                   |                                   |                         |
| РЕСПУБЛИКА<br>БҮЙИЧА:                           |                  | 1,97                    |           | 34,92                      |           |                         |                                   |                                   |                         |

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Еттинчи қадирқўз Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси 1970 йил 23 сентябрь соат 12 да Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида 1970 йил 24 сентябрда эрталаб соат 10 дан кечкирун соат 8 гача ва 1970 йил 25 сентябрда эрталаб соат 11 дан бошлаб рўйхатга олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ  
МАЖЛИСИ Тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 1970 йил 25 сентябрда соат 11-30 минутда Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилди.

Ҳалаба  
ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ЯНА БИР КОЛХОЗ  
МАРРАГА ЕТДИ

Бухоро, область Ромитан район партия комитетидан хабар қилишди: КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириш учун социалистик муСОБАҚАНИ кун сайин қўнғилтирадиган Энгельс номидаги колхоз пахта тайёрлаш йиллик планининг беравқт бақарилганлиги тўғрисида Ҳалаба рапорти берди. Давлатга 2 минг 403 тонна

қимматбаҳо хом ашё топирилди.

Колхоз пахтакорлари даладаги ҳосилни чамалаб қўриб, яна 1200 тонна «оқ олтин» сотиш ва ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказишга қатъий аҳд қилдилар.

ҚАҲРАМОН ЗВЕНОСИ  
МАРРАГА ЕТДИ  
НУКУС («Совет Ўзбекистони» муҳбири). КПСС XXIV съезиди парашафта социалистик мусобақани кун сайин аажоқ олдиратган Ҳўжайли районидаги Ҳамза номидаги колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нўлдош Матқаримов бошқик звеноси пахта тайёрлаш

Иллик планини Автоном республикада биринчи бўлиб бақарди. 35 гектар майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» топширилди.

Қаҳрамон бошқик звено меҳнатсеварлари яна ҳар гектар ердан 18 центнердан ҳосил қўтариш учун астойдил курашмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.





